

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВ АХАДЖОН ТУРСИНОВИЧ

ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ
ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ-АМАЛИЙ ЖИСМОНИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ

13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари
назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ- 2018 йил

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хасанов Ахаджон Турсинович

Чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабаларининг касбий-амалий
жисмоний тайёргарлиги педагогик технологияси.....3

Хасанов Ахаджон Турсинович

Педагогическая технология профессионально-прикладной физической под-
готовки студентов факультетов допризывного военного образования.....29

Khasanov Axadjon Tursinovich

Professional applied physical training of students of pre-conscription military
education.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВ АХАДЖОН ТУРСИНОВИЧ

ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ
ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ-АМАЛИЙ ЖИСМОНИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ- 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped476. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uz-djti.uz) ва “Ziynet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ханкельдиев Шер Хақимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Керимов Фикрат Азизович
педагогика фанлари доктори, профессор

Хайдаров Бахтиёр Тожиевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370) -717-17-79, 717-27-27, факс : (0-370) 717-17-76).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилган.
(2018 йил «___» _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Халмухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
пед.ф.д., профессор

С.С.Тажибоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, п.ф.б.ф.д., доцент

Т.С.Усманходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
пед.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Олий гуманитар таълим муассасалари тизимида чақириққача ҳарбий таълим бўйича кадрларни тайёрлашга йўналтирилган илмий ишлаб чиқишларни модернизация қилиш бўйича кучларни бирлаштириш муаммосини ҳал этиш, хорижий давлатларда қўлланилаётган замонавий инновацион технологияларни ўқув жараёнига жорий қилиш билан боғлиқ бўлиб, бўлғуси педагог кадрлар ҳисобланган чақириққача ҳарбий таълим факультети битирувчиларининг, ушбу соҳа мутахассисларининг сифатини оширишга йўналтирилган назарий ва амалий тайёргарликни такомиллаштиришга олиб келади.

Шунинг билан боғлиқ хорижий давлатларда ҳам, ўзимизда ҳам халқ таълими тизимининг юқори синфлари ва ўрта махсус таълим муассасалари учун олий гуманитар таълим муассасаларида чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчиларини тайёрлаш жуда муҳим бўлиб, педагогика фанининг долзарб муаммоси ҳисобланади. Ушбу масала хорижий давлатларда илмий ишлаб чиқилган, лекин улар томонидан берилган тавсиялар ҳудудий хусусиятлар муаммоларини очиб бермаган.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий таълим тизимининг муҳим вазифаси ҳисобланади¹. Бу талабаларнинг, бўлажак ҳарбий педагогларнинг касбий-амалий жисмоний тайёргарлигини юқори даражада ташкил қилиш заруратини белгилаб берди. Бундай тайёргарликсиз ўқувчиларда ҳарбий хизматнинг ҳар қандай кундалик ва экстремал (фавқулодда) вазиятларида онгли тарзда ҳамда ишончли ҳаракат қилишга имкон берадиган ижтимоий зарур сифатларни шакллантириб ва ривожлантириб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари В.Е.Жабак, Н.В.Мухамедзянова, С.В.Непомнящий ишларида қайд этилган ва бу муаммо жамият ривожланиши стратегиясининг устувор йўналиши ҳисобланади, чунки ҳозирги пайтда Ўзбекистонда касби билан боғлиқ бўлган турли илмий соҳалардаги билимлардан кенг қамровда фойдалана оладиган кўп қиррали ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда².

С.А.Полиевский, Л.П.Матвеев, В.И.Изаак ишларида эътироф этиладики, таълим муассасаларида касбий-амалий жисмоний тайёргарлик жисмоний тарбия йўналишларидан бири ҳисобланади ва у техника олий ўқув юртлари учун Р.Т.Раевский, А.М.Гафитулин томонидан, гуманитар университетлар учун А.Н.Абдиев, Д.В.Никифоров томонидан, Россия Федерацияси йўл алоқалари академияси талабалари учун А.К.Тропина, А.В.Евсеев, К.Х.Сафиулина, А.А.Белкин томонидан етарлича кенг ишлаб чиқилган³.

Бир гуруҳ мутахассислар ҳарбий таълим муассасалари курсантлари учун касбий-амалий жисмоний тайёргарликнинг илмий асосланган технологиясини ишлаб чиққанлар (И.В.Андреев, В.В.Демочкин, З.Р.Бурнаев, А.М.Камбаров)⁴.

² Жабак В.Е. Исследование представлений студентов педагогического вуза о профессиональной деятельности в сфере физической культуры. // Теория и практика физической культуры. 2007.-№10.- С.23-26. Мухамедзянова Н.В. Особенности профессионально военных качеств будущих учителей физической культуры // Теория и практика физической культуры. 2007 - № 5 – С.30-32. Непомнящий С.В. Средства и методы ППФП работников отдельных подразделений: Автореф.дис.... канд. пед.наук. М. 1998 – 24 с.

³ Полиевский В.П. Теоретико-методические основы совершенствования прикладной физической культуры: Автореферат на соискание ученой степени доктора педагогических наук. – М., РГАФК, 1999. – 56 с. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. // Л.П.Матвеев. – изд. 4-е. – Санкт-Петербург. Лань. Омега. 2004. – 158 с. Изаак В.М. ППФП в системе физического воспитания студентов. Учебное пособие. Т., 2003.-22 с. Раевский Р.Т., Ямлетдинов Г.А. Профессионально-прикладная физическая подготовка следователей органов внутренних дел. // Теория и практика физической культуры. 1994.- №3. - С.25-27. Гафитулин А.М. ППФП работников предприятий и студентов вузов связи. Учебное пособие. Ташкент ТЭИС, 1991 – 54 с. Абдиев А.И. Профессионально-прикладная физическая подготовка: Методическое пособие. – ТОГПИ. 1989 – 26 с. Никифоров Д.В. Формирование адаптируемости учащихся к профессиональным нагрузкам средствами физической культуры: Автореф.дис.... канд. пед.наук. Челябинск. 2005. – 24 с. Тропина Л.К., Евсеев А.В. Профессиональная направленность физического воспитания студентов железнодорожного вуза на основе анализа особенностей труда инженера путей сообщения // Тезисы Всероссийской научно-практической конференции. - М., 2006. - С. 205- 209. Сафиулина К.Х., Позднякова Л.Д. ППФП студентов будущих специальностей ОАО «РЖД» // Тезисы Всероссийской научно-практической конференции. 20-22 июня 2006, Москва. - С.75-78. Белкин А.А., Рахматов А.И. Пути повышения эффективности ППФП студентов на старших боскичах ВУЗа. // Тезисы Всероссийской научно-практической конференции. 20-22 июня. 2006. Москва. С.129-131.

⁴ Андреев И.В. Профессиональная направленность физической подготовки боскичантов пожарно-технических училищ МВД.: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М.: 1995 – 24 с. Демочкин В.В. Физическая подготовка боскичантов автомобильных вузов в процессе военно-профессионального обучения.: Автореф. дис. ...канд. пед. наук. – Санкт-Петербург: ВИФК, 1999. – 26 с. Бурнаев З.Р., Каратанов Б. ППФП студентов, обучающихся на военной кафедре ВУЗа. // Международная научно-теоретическая конференция «Проблемы и перспективы развития физической культуры и спорта», Бишкек, 2003. – С.19-20. Камбаров А.М. Военно-

Атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати шароитларида машқлар бажаришда ва иссиқликка мослашишнинг яхши кечишида гипотермик танаффусларнинг қўлланилиши Ш.Х.Ханкельдиев ва Т.Т.Юнусов ишларида келтирилган⁵.

Г.А.Дегтяренко, Т.С.Разиков, Р.А.Хамракулов, Ж.А.Акрамов, О.Х.Абдалимов, С.А.Гайдук, А.В.Найдин, Н.Ш.Фазлеев, А.Г.Шабанов, Б.В.Шилокин, С.О.Цекунов томонидан чақирикқача ёшларни жисмоний тарбиялаш методикаси бўйича тадқиқот ишлари бажарилган⁶.

Талабаларнинг касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги масалаларига доир илмий адабиётларни таҳлил қилиш шундай хулоса қилишга олиб келадики, талабаларнинг касбий-амалий жисмоний тайёргарлигини шакллантириш муаммоси жиддий илмий, мақсадли педагогик тадқиқотлар предметиға айланмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Фарғона давлат университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган “Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия тизимининг илмий-методик асосларини ўрганиш” йўналишида тасдиқланган илмий-тадқиқот ишлари истиқбол режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш бўйича илмий асосланган дастурни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диссертация иши муаммоси бўйича ватанимиздаги ва хорижий илмий ва илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш;

педагогические основы оптимизации морально-психологического фактора в учебно-воспитательном процессе военнослужащих: Автореф.дис.... канд. пед.наук. Ташкент. 2005 - 25 с.

⁵ Ханкельдиев Ш.Х. Педагогические особенности физического воспитания учащейся молодежи в регионах с жарким климатом. Автореферат на соискание ученой степени доктора педагогических наук. М., 1991. – 47 с. Юнусов Т.Т., Юнусова Ю.М., Кудратов Р.К. «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари-саломатлик гарови. Ўзбекистон аҳолиси саломатлиги ва жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлашда махсус тестлари бўйича услубий қўлланма. – Т., 2004 – 46 б.

⁶ Дегтяренко Г.А. Основы моделирования процесса формирования профессионально-прикладных качеств офицеров в высших военных учебных заведениях: Автореф.дис.... канд. пед.наук.М., 1990. – 25 с. Разыков Т.С. Методика физического воспитания допризывной молодежи Кыргызской Республики: Автореф.дис.... канд. пед.наук.Ташкент. 2004. – 25 с.Хамракулов Р.А. Совершенствования военно-прикладной физической подготовки сельской допризывной молодежи. Автореф. дис.... канд. пед.наук. – Т., 2005. – 28 с. Абдалимов О.Х. Методика ППФП в образовательных учреждениях специального назначения. // Методические рекомендации. – Т., 2006. – 23 с. Гайдук С.А. Технология формирования волевых качеств в процессе ППФП: Монография. // С.А.Гайдук, Л.В.Маршук. - МН. МГВРН. 2007- 200 с. Найдин А.В. Решение специальных задач на практических занятиях по ППФП в Академии МВД Республики Беларусь. // Материалы международной электронной научно-практической конференции. 26 июня. Иркутск. 2008.- С.180-182. Фазлеев Н.Ш. Профессиональное образование по физической культуре и спорту: компетентно ориентированный подход. // Теория и практика физической культуры. 2007. - № 12. - С.49-52. Шабанов А.Г. Педагогические основы учебного моделирование военно-профессиональной деятельности в процессе обучения курсантов высших военно-политических училищ: Автореф.дис.... канд. пед.наук. – М., 1991. – 24 с. Шилокин Б.В., Цекунов С.О. К вопросу организации методической направленности процесса физической подготовки в образовательных учреждениях МВД России // Материалы международной электронной научно-практической конференции. - Иркутск, 2008. - С. 246-249.

Ўзбекистон Республикаси чақирикқача ҳарбий таълим факультетларидаги касбий-амалий жисмоний тайёргарлик ва мутахассис тайёрлаш изчиллиги ҳолатини ўрганиш;

чақирикқача ҳарбий таълим факультетларида таҳсил олаётган талабаларнинг жисмоний статуси кўрсаткичларини аниқлаш ва ўқув йиллари бўйича кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилини ўтказиш;

чақирикқача ҳарбий таълим факультетларида таҳсил олаётган талабаларнинг илмий асосланган касбий-амалий жисмоний тайёргарлик дастурини ишлаб чиқиш;

ҳарбий гарнизон шароитлари учун ишлаб чиқилган ўқув йиғинларини ўтказиш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабаларининг жисмоний тарбия бўйича таълим жараёни.

Тадқиқотнинг предмети чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги дастуридан фойдаланиш.

Тадқиқотнинг усуллари: илмий ва илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, социологик сўровнома, педагогик тестлаш, педагогик тажриба ва математик статистика методлари.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабаларининг жисмоний ривожланиши, ҳаракат тайёргарлиги даражалари ва уларнинг солиштирма динамикаси аниқланган;

чақирикқача ҳарбий таълим факультетлари талабалари ҳаракат тайёргарлигининг зарурий меъёрлари ва талабаларнинг касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги бўйича ўқув йиллари учун баҳолаш меъёрлари иш амалиётига тавсия қилинган;

чақирикқача ҳарбий таълим ўқитувчиси профессиограммаси модели ишлаб чиқилган;

ҳарбий гарнизон ҳудудида ўқув йиғинини ўташ даврида танланган спорт тури воситалари ёрдамида ва талабаларнинг ҳаракат сифатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда жисмоний тарбия дастури самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Олинган илмий-тадқиқот натижалари чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлигини қўллаш бўйича жисмоний тарбия назарияси ва методикасини аҳамиятли тўлдиради. I-IV босқич талабалари учун мўлжалланган дастурга тузатишлар киритиш зарурати исботланди. I-II босқич талабалари учун касбий-амалий жисмоний тайёргарлик тузилмаси аниқланди. У блокли-модулли тизимга асосланади. III-IV босқичлар учун 3 та мезоциклдан иборат (тўлдирувчи, ўзгартирувчи, амалга оширувчи) блокли тизимга асосланган касбий-амалий жисмоний тайёргарлик аниқланди. Чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабалари ҳаракат тайёргарлигининг мажбурий меъёрлари ва барча босқич талабалари учун

касбий-амалий жисмоний тайёргарлик бўйича баҳолаш меъёрлари ишлаб чиқилди ва иш амалиётига жорий қилинди.

Ҳарбий гарнизон худудида ўқув йиғинини ўташ даврида чақириққача ҳарбий таълим факультети талабаларининг илмий асосланган жисмоний тарбия методикаси ишлаб чиқилди ва жорий қилинди.

Илмий тадқиқотлар натижалари асосида чақириққача ҳарбий таълим факультети I-IV босқич талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги дастуридан ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва жорий қилинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ушбу муаммо бўйича мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари, чақириққача ҳарбий таълим факультетининг ҳарбий кафедраларида дарс берувчи ҳарбий мутахассислар ва олий ўқув юртида жисмоний тарбия назарияси ва методикаси соҳасидаги етук мутахассисларнинг илмий қарашлари; ўқув жараёнида инновацион педагогик технологияларнинг қўлланилганлиги; ўрганилаётган контингентнинг ва тажриба ишларининг репрезентативлиги; тажриба материалларини қайта ишлашда компьютер технологияларидан фойдаланиш орқали замонавий математик статистика методларининг қўлланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотлардан олинган натижалар чақириққача ҳарбий таълим факультети талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлигидан фойдаланиш бўйича жисмоний тарбиянинг назарий ва методик асосини аҳамиятли тўлдиради. Чақириққача ҳарбий таълим факультети талабалари ҳаракат тайёргарлигининг мажбурий меъёрлари ишлаб чиқилди ва ихтисослашган кафедралар ўқитувчиларининг иш амалиётига жорий қилинди, шунингдек, барча таълим босқичларига талабаларнинг касбий-амалий жисмоний тайёргарлик бўйича рейтинг меъёрлари тавсия қилинди.

Ҳарбий гарнизон базасида ўтказиладиган ёзги ўқув йиғинини ўташ даврида чақириққача ҳарбий таълим факультети талабаларининг илмий асосланган жисмоний тарбия методикаси ишлаб чиқилди ва тажрибада синаб кўрилди. Лонгитудинал тажриба тадқиқотлари натижаларининг мониторинги асосида Ўзбекистон Республикаси чақириққача ҳарбий таълим факультетларида таҳсил олувчи талабаларнинг касбий-амалий жисмоний тайёргарлигини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чақириққача ҳарбий таълим факультети талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги педагогик технологияси бўйича ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий таклифлар асосида:

тажрибада асосланган касбий-амалий жисмоний тайёргарлик дастури Фарғона давлат университети чақириққача ҳарбий таълим факультети I-IV босқич талабаларининг жисмоний тарбия бўйича таълим жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2018 йил 9 январдаги 89-03-69-сонли маълумотномаси). Натижада, бу ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари тизимида ишлаш учун чақирикқача ҳарбий таълим ўқитувчиларини тайёрлашда баҳолаш меъёрларини бажариш асосида ўқув жараёни самарадорлигини ошириш имконини берган;

муаллифлик касбий-амалий жисмоний тайёргарлик дастури БухДУ чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабаларининг касбий жисмоний тайёргарлиги жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 9 январдаги 89-03-69-сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг амалий жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришга хизмат қилган;

муаллифлик касбий-амалий жисмоний тайёргарлик дастуридан “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-техник йўналишдаги Фарғона академик лицейида ўқитувчиларнинг касбий жисмоний тайёргарлигини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 9 январдаги 89-03-69-сонли маълумотномаси). Бу тавсиялар ўқитувчилар жисмоний тайёргарлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг энг аҳамиятли натижалари бўйича жами 41 та илмий- услубий ишлар, шу жумладан, 2 та ўқув-услубий қўлланма, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда (10 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши компьютер матнида 150 саҳифада баён қилинган, кириш, тўртта боб, 5 та расм, 16 та жадвал, 3 та чизма, хулоса, амалий тавсиялардан ташкил топган; фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар ва жорий этиш далолатномаларини ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг чақирикқача ҳарбий таълим амалиётига жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак мутахассисларнинг касбий-амалий жисмоний тайёргарлигининг умумий йўналиши”** деб номланган

биринчи бобида бўлажак ҳарбий иш мутахассисларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги зарурати асосланган.

Чақириққача ҳарбий таълим мутахассисларини тайёрлаш гуманитар-таълим муассасаларининг мазкур факультетида таҳсил олувчи талабаларининг “Касбий-амалий жисмоний тайёргарлик” ўқув фани билан узвий боғлиқ.

Ушбу бобда таълим муассасалари тизимида, касб-хунар коллежларида касбий-амалий жисмоний тайёргарлик, талабаларни жисмоний тарбиялаш бўйича таълим жараёнининг касбий-амалий аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси чақириққача ҳарбий таълим факультети талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайергарлиги бўйича таълим жараёни ўрганилган.

Малакали мутахассисларни тайёрлаш жамият ривожланиши стратегиясининг устувор йўналиши ҳисобланади, чунки ҳозирги пайтда Ўзбекистонда касби билан боғлиқ бўлган турли илмий соҳалардаги билимлардан кенг қамровда фойдалана оладиган кўп қиррали ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда (Э.А.Сейтхалилов, 2002; Л.Р.Айрапетьянц, 2002; В.Е. Жабаков, 2007; В.М.Зациорский, 2009).


Л.П.Матвеев (1991), А.И.Абдиев (2004), А.И.Рахматов (2006), В.И.Изаак (2003) ишларида эътироф этиладики, олий гуманитар таълим муассасалари махсус факультетларида касбий-амалий жисмоний тайёргарлик жисмоний тарбия йўналишларидан бири ҳисобланади.

Талабаларнинг касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги масалаларига доир илмий ва илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили танланган тадқиқот йўналишининг долзарблигини билдиради.

Диссертациянинг **“Педагогик тадқиқотларни ташкил қилиш, вазифалари ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мақсади ва фаразни тажрибада текширишни ҳал қилишга йўналтирилган вазифалар белгиланган. Илмий тадқиқотнинг методлари баён қилинган, ўрганилаётган контингентда педагогик тадқиқотни ўтказиш учун қатор жисмоний тайёргарлик тестлари, илмий тадқиқотни ташкил қилиш масалалари ва тажриба маълумотларини математик қайта ишлаш методлари белгиланган.


Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси чақириққача ҳарбий таълим факультетлари талабаларининг жисмоний статусини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида социологик тадқиқотлар натижалари берилган. Чақириққача ҳарбий таълим факультети талабаларининг ушбу соҳада ўқитувчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган касбий-амалий жисмоний тайёргарлик бўйича тажрибавий дастурни ишлаб чиқишда чақириққача ҳарбий таълим факультетининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлигига бўлган муносабатлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини аниқлаш юзасидан социологик тадқиқот ўтказиш зарурати туғилди. Тадқиқот натижалари 1-4-расмларда берилган.

1-босқич




1-расм. Чақирикқача ҳарбий таълим факультети I босқич талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарликнинг ўқув жараёнидаги аҳамияти тўғрисидаги анкета сўрови натижалари

2-босқич




2-расм. Чақирикқача ҳарбий таълим факультети II босқич талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарликнинг ўқув жараёнидаги аҳамияти тўғрисидаги анкета сўрови натижалари

3-босқич



3-расм. Чақириққача ҳарбий таълим факультети III босқич талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарликнинг ўқув жараёнидаги аҳамияти тўғрисидаги анкета сўрови натижалари

4-босқич



4-расм. Чақириққача ҳарбий таълим факультети IV босқич талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарликнинг ўқув жараёнидаги аҳамияти тўғрисидаги анкета сўрови натижалари

Чақириққача ҳарбий таълим факультети профессор-ўқитувчилари таркибининг ўқув режасига киритилган спорт фанларининг айрим жисмоний машқлари аҳамияти тўғрисидаги фикрлари таҳлили орқали шу нарса

аниқландики, талабалар яккакурашларнинг барча турларини (20,1%), тезлик-куч сифатлари билан боғлиқ бўлган енгил атлетикани (17,2%), спорт ўйинларини (15,1%), Шарқ яккакурашлари турларини (14,3%), кросс масофасини (13,4%), сузишни (10,2%), ҳаракат координациясини яхшилашга мўлжалланган гимнастикани (9,7%) жорий этиш ҳисобига энг юқори самарадорликка эришганлар (1-жадвал).

1-жадвал

Чақирикқача ҳарбий таълим факультети профессор-ўқитувчилари таркибининг ўқув режадаги спорт фанларининг аҳамияти тўғрисидаги социологик сўрови натижалари

Спорт фанлари турлари	Фоиз нисбатлари, %
Яккакураш турлари	20,1
Енгил атлетика	17,2
Спорт ўйинлари	15,1
Шарқ яккакураши турлари	14,3
Кросс	13,4
Сузиш	10,2
Гимнастика	9,7

Талабаларга ҳам шундай саволлар берилдики, сўров натижаларига асосан аниқланишича, улардан 16,3% талаба кўл жанги, самбо, дзюдо, бокс каби яккакураш турларини устун кўйган, уларнинг касбий фаолияти учун муҳим бўлган енгил атлетика фанини 15,4% респондент, ушбу касбда координацион қобилиятларни ривожлантиришда спорт ўйинларини 14,9 %, кроссни 14,3 % ва гимнастикани 10,7% респондент афзал билган. Шарқ яккакураши турларига бўлган қизиқишнинг сусайганлиги (14,5%) кузатилди. Талабаларнинг 13,9% сузишни афзал билганлар. Бу, бизнингча, талабаларнинг бўлажак касбий фаолияти ўтадиган жойда спорт сузиш иншоотларининг йўқлиги билан боғлиқ.

Респондентлар машғулот ўтказиш шаклига ўз муносабатларини билдиришган. Уларнинг фикрича, назарий, методик ва амалий машғулотлар олиб бориш лозим. Сўралган талабаларнинг аксарият қисми махсус кафедра ўқитувчисининг умумий раҳбарлигида индивидуал режа асосида олиб бориладиган, ўн баллик тизим асосида баҳолаш амалга ошириладиган машғулотларни афзал кўрадилар ($x=8,93\pm 1,98$; $V=22,1\%$). Айни пайтда бундай машғулотларнинг ўқув йиғинларини ўташ даврида ўтказилишига эътибор қаратганлар ($x=6,5\pm 3,5$; $V=50,7\%$). Кўпгина талабаларнинг фикрича, мустақил машғулотларнинг ўтказилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас ($x=6,47\pm 2,63$; $V=50,7\%$), бир-биридан кам фарқ қилувчи юқори вариация коэффициенти катталиги олинган маълумотларнинг бир хиллигидан далолат беради.

Сўралган талабаларнинг бир қисми жисмоний тарбия машғулотларининг ҳар хил шакллари мақсадга мувофиқ эканлигини эътироф этади. Масалан, айрим ихтисослик спорт турлари бўйича мусобақалар

($x=6,4\pm 3,3$; $V=43,7\%$), фаол дам олиш даврида касбий-амалий жисмоний тайёргарлик элементлари билан машғулотлар ($x=8,3\pm 2,1$; $V=26,3\%$), махсус жисмоний тайёргарликка йўналтирилган мажбурий машғулотлар ($x=8,1\pm 2,1$; $V=26,5\%$), ўқув йиғинларини ўтказиш жараёнида талабаларнинг касбий-амалий жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлари ($x=7,47\pm 2,8$; $V=37,52\%$), дарсдан ташқари вақтда мустақил машғулотлар ($x=6,6\pm 3,5$; $V=50,7\%$) ва ўқитувчи топшириғи бўйича мустақил машғулотлар ($x=6,5\pm 2,63$; $V=40,67\%$).

Талабаларнинг бир қисми касбий-амалий жисмоний тайёргарлик элементларидан иборат тикланиш тадбирларини алоҳида эътироф этганлар. Чақириқкача ҳарбий таълим факультети профессор-ўқитувчилари таркиби ва талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарликка бўлган муносабатлари юзасидан фикр-мулоҳазаларини аниқлаш бўйича ўтказилган социологик сўров кейинги тадқиқотларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаб олишга имкон берди.

Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олувчи ўсмир йигитларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бизда катта қизиқиш уйғотди.

Ўрта махсус таълим ўқув муассасаларида жисмоний маданият Қуролли Кучларда хизмат қилиш ва бўлажак касб соҳаси билан боғлиқ махсуслаштирилган амалий хусусиятга эга.

Маълумки, касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ўқишни тугатгандан сўнг Қуролли Кучларда хизмат қилишга чақириладилар, шунинг учун касбий-амалий жисмоний тайёргарлик ушбу таълим муассасалари ўқувчиларига жисмоний тарбия бўйича дастурнинг мустақил бўлими кўринишида киритилган.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ҳаракат тайёргарлиги натижаларини таҳлил қилиш орқали уларнинг жисмоний тайёргарлиги паст даражада эканлиги аниқланди, бу касбий-амалий жисмоний тайёргарлик бўйича дастур материални ўзлаштиришга ва олдинда турган Қуролли Кучлар сафларида ҳарбий хизматни ўташга тайёр туришга жиддий таъсир қилади.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш бўйича танлаб олинган тестлар ўрта махсус ўқув муассасалари учун мўлжалланган жисмоний тарбия бўйича давлат стандартларидан ва “Алпомиш” саломатлик тестларидан олинган (2-жадвал).

Таҳлилнинг кўрсатишича, биринчи босқич ўқувчилари 100 м масофани ўртача $14,8\pm 1,1$ сек. да югуриб ўтдилар, иккинчи босқичда кўрсаткичлар биринчи босқичдагига нисбатан ўсиш тенденциясида бўлиб, 0,3 сек.га тезроқ ($2,2\%$)($t=3$), учинчи босқичга бориб натижа сезиларсиз ($0,8\%$)($t=2$) яхшиланди.

Ўқувчиларнинг коллежга киргандан уни тугатгунча бўлган даврдаги тезлик имкониятлари кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили шуни кўрсатдики, қисқа масофага югуриш натижаси учинчи босқичдан бошлаб, 3,7% дан 6,3 % гача вариация коэффициентида 2,86 % га ишончсиз ўсиш тенденциясига эга бўлди.

**Коллеж ўқувчилари ва чақирикқача ҳарбий таълим факультетига
кираётган абитуриентларнинг ҳаракат тайёргарлиги**

Кўрсаткичлар	1-курс	2-курс	3-курс	Абитуриентлар
100 м.га югуриш, сек.	14,8±1,1	14,5±0,9	14,3±1,1	14,2±2,5
Турган жойдан узунликка сакраш, м	1,81±18,2	1,87±23,9	1,92±23,2	1,94±7,5
Турникда тортилиш, марта	14,2±0,75	11,9±0,50	12,0±0,52	12±5,0
3000 м.га кросс, мин.	14,6±0,9	14,4±0,8	13,7±1,0	16±2,5
Граната улоқтириш, м	34±3,6	36±3,5	39±3,4	30±3,5
Ётган ҳолатда кўлларни букиш ва ёзиш, марта	24±2,6	28±4,7	28±4,3	20±1,5
4x10 м.га моқисимон югуриш, сек.	9,5±0,6	9,4±0,7	9,2±0,7	12±0,75

Чидамлилиқ ҳаракат сифатини баҳолашда аниқландики, бунда биринчи босқичда 3000 м га югуришнинг ўртача натижаси 14,6±0,9 мин.ни ташкил қилди, бунда учинчи босқичда 13,7±1,0 мин (5,2 %)(t=2,3) га ишончсиз яхшиланди.

Турган жойдан узунликка сакраш кўрсаткичлари биринчи босқич ўқувчиларида 1,81±0,18 м ни ташкил этди, кейинчалик ошиб бориб, 4,8 % (t=2) га етди, вариация коэффиценти 8,6 % дан 19,9 % гача бўлди.

Коллеж ўқувчиларининг тезлик-куч имкониятлари турган жойдан узунликка сакраш кўрсаткичлари бўйича баҳоланди. Бу ерда битирувчиларда кўрсаткичларнинг 9,8 % (t=2) га пасайганлиги тенденцияси қайд қилинди.

Ётган ҳолатда кўлларни букиш ва ёзиш тестида битирувчиларда натижанинг 4,28 % га ўсиши аниқланди.

Коллеж битирувчиларида Куролли Кучларда хизмат ўтагандан сўнг ва олий гуманитар таълим муассасаларининг чақирикқача ҳарбий таълим факультетига ўқишга киришни хоҳловчиларда ҳаракат сифатларини такомиллаштиришга йўналтирилган ҳаракат қобилиятлари ўсишининг узвийлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси чақирикқача ҳарбий таълим факультетларида таҳсил олувчи талабалар ҳаракат тайёргарлигининг илмий асосланган кўрсаткичлари йўқлиги сабабли уларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳолати ва динамикасини ўқув йиллари бўйича ўрганиб чиқиш ҳамда ФарДУ, БухДУ ва ТДПУ ларининг шундай факультетларида олинган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш бизда катта қизиқиш уйғотди.

Кўп йиллар давомида ФарДУнинг чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабалари билан ушбу муаммо бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказилди ва аҳамиятли даражада ишончли тажриба материаллари тўпланди.

Бирок Ўзбекистон Республикасининг фақат учта олий ўқув юртларида амалга ошириладиган ушбу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаш юқори аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, бу соҳа мутахассисларини тайёрлашда чуқур илмий-тадқиқотлар асосида ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш билан юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизими ҳолати ва уни такомиллаштириш йўлларини ўрганиш вазифа қилиб қўйилди.

Талабалар жисмоний тарбияси бўйича давлат стандартлари, ҳарбий хизматчилар учун мўлжалланган ҳаракат тайёргарлиги меъёрлари ва «Алпомиш» саломатлик тестларидан олинган тестлар ёшларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш учун меъёрий талаблар сифатида танлаб олинди.

Тестлар тўплами қуйидагилардан иборат бўлди: 100 м.га югуриш, 3000 м. кросс, 10x10 м.га моқисмон югуриш, турган жойдан узунликка сакраш, ётиб таяниб, қўлларни букиб-ёзиш, турникда тортилиш, граната улоқтириш, брусларда бурчак бўлиб таяниш, турникда ағдарилиб кўтарилиш, осилиб туриб оёқларни кўтариш.

Педагогик тажрибада ФарДУ, БухДУ ва ТДПУ чақириққача ҳарбий таълим факультетларининг I-IV босқич талабалари иштирок этдилар. Барча олинган тажриба материаллари математик статистика методи ёрдамида ишлаб чиқилди (3-жадвал).

Кўп йиллик тадқиқотлар асосида олинган материаллар таҳлили шуни кўрсатдики, тезлик қобилиятларини ифодаловчи 100 м. масофани ФарДУ биринчи босқич талабалари ўртача $13,6 \pm 0,5$ сек.да, иккинчи босқич талабалари $0,27$ сек. тезроқ босиб ўтдилар (22%) ($t=3$), учинчи босқичга келиб натижа бироз пасайди ва ўртача $13,4 \pm 0,7$ сек.ни ташкил этди (0,8%) ($t=2$) ва тўртинчи босқичда ишончли тарзда (4,3%) ($t=4$) га пасайди.

БухДУ талабалари тезлик имкониятларининг шундай кўрсаткичлари таҳлили бўйича аниқландики, 100 м масофани биринчи босқич талабалари ўртача $13,78 \pm 0,4$ секундда босиб ўтдилар, иккинчи босқич талабаларида кўрсаткич $0,36$ секундга яхшиланди, учинчи босқичда натижа ишончсиз $0,22$ секунд пасайиб, натижанинг пасайиш тенденцияси кузатилди, ўқишнинг охирига бориб, иккинчи босқич талабалари натижасига нисбатан ўртача $0,50$ секундга натижа ёмонлашди.

ТДПУ биринчи босқич талабаларида тезлик имкониятларининг дастлабки натижалари 100 м га югуришда ўртача $13,29 \pm 0,5$ секундга тенг бўлди, бу БухДУ талабалари натижасидан $0,49$ сек. га паст бўлди.

ФарДУ, ТДПУ ва БухДУ чакириккача харбий таълим факультетлари 1-4 босқич талабалари жисмоний тайёргарлигининг солиштирма таҳлили

Босқичлар	Университет	100 мга югуриш, сек.	Турган жойидан узунликка сакраш, м.	Турникда тортилиш, марта.	3000 м га кросс, мин.сек.	Граната улоқтириш, м	Ётган ҳолатда қўлларни букиш ва ёзиш, марта	Бруслар да бурчак ушлаш, сек.	Турникда тортилиб, тўнгарилиш, марта	10x10 м га моқисимон югуриш, сек.
1	ФарДУ	13,6	2,23	12,52	13:01,0	38,54	26,18	11,36	13,5	25,18
1,2	БухДУ	13,8	2,24	13,24	13:18,0	38,48	26,52	11,92	13,2	24,13
1,3	ТДПУ	t=2,30 13,29	t=-0,42 2,26	t=-1,84 12,88	t=3,69 13:22,0	t=0,14 38,84	t=-0,89 26,4	t=-1,55 10,84	t=0,94 13	t=4,77 24,71
2	ФарДУ	t=4,42 13,33	t=-1,07 2,27	t=-1,06 13,73	t=2,63 12:53,0	t=-0,68 39,36	t=-0,52 27,28	t=1,55 14,85	t=1,25 14,4	t=1,80 23,74
2,2	БухДУ	13,42	2,3	13,84	12:32,0	39,56	27,48	14,48	14,6	23,76
2,3	ТДПУ	t=-1,47 13,11	t=-1,15 2,31	t=-0,24 13,84	t=2,09 12:42,0	t=-0,48 39,64	t=-0,55 27,68	t=0,95 14,36	t=-0,60 14,28	t=-0,66 23,86
3	ФарДУ	t=2,82 13,44	t=-1,17 2,26	t=-0,22 13,59	t=2,01 13:21,0	t=-0,63 39,4	t=-1,17 27,7	t=1,32 12,9	t=0,36 14,2	t=-1,09 23,92
3,2	БухДУ	13,64	2,28	13,72	13:05,0	40,12	27,56	14,08	14,24	23,93
3,3	ТДПУ	t=-3,57 13,4	t=-0,77 2,28	t=-0,35 13,36	t=1,26 13:31,0	t=-1,89 39,76	t=0,36 27,76	t=-3,10 13	t=-0,12 14,16	t=-0,05 23,99
4	ФарДУ	t=0,8 13,73	t=0,77 2,24	t=0,67 13,18	t=-1,41 13:36,0	t=-0,9 37,75	t=-0,15 25,57	t=-0,27 12,24	t=0,13 12,32	t=-1,59 25,06
4,2	БухДУ	13,9	2,2	13,04	13:13,0	38,72	25,6	12,76	12,48	25,33
4,3	ТДПУ	t=-2,93 13,77	t=1,74 2,15	t=0,38 12,68	t=2,41 13:03,0	t=-2,62 38,24	t=-0,07 25,36	t=-1,53 11,32	t=-0,44 12,52	t=-2,07 25,3
		t=-0,68	t=2,72	t=1,25	t=3,30	t=-1,11	t=0,5	t=2,70	t=-0,54	t=-1,04

Иккинчи босқичда натижаларнинг ишончсиз 0,18 секундга яхшиланганлиги кузатилди, кейинчалик ўрганилаётган натижаларнинг пасайиши кузатилиб, учинчи босқичда 13,40 секундгача, тўртинчи босқичда эса тезлик имкониятлари аҳамиятли ёмонлашди ва 13,77 секундни ташкил қилди ҳамда ушбу факультетнинг энг яхши кўрсаткичларига солиштирилганда 0,66 секундга паст бўлди.

Агар барча учта олий ўқув юрти талабаларининг университетга ўқишга киришларидаги ва уни тугатишларига қадар олинган тезлик имкониятлари кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиб кўрсак, қисқа масофага югуришдаги ўртача натижа учинчи босқичдан бошлаб ишончли тарзда ўртача 2,86%га ёмонлашиб боради. Олинган натижаларни таҳлил қила туриб, шуни эътироф этиш жоизки, барча босқичлардаги текширувдан ўтган талабаларда вариация коэффиценти ўртача 3,7% дан 6,3% гача атрофида бўлди, бу тажриба гуруҳларининг бир хил танланганлигини кўрсатади.

Махсуслаштирилган факультет талабасининг касбий фаолиятидаги бошқа муҳим омил инсоннинг ҳаракат фаолиятини унинг самарасини пасайтирмасдан узоқ вақт бажариш қобилиятини ифодаловчи чидамлилиқ ҳаракат сифати ҳисобланади.

Чидамлилиқ жисмоний сифати 3000 м. масофага кросс югуриш бўйича аниқланиб, уни баҳолашда турли хил йўналиш кузатилди. Бу ерда ФарДУ нинг биринчи босқичига ўқишга кирган талабаларнинг натижаси ўртача $13,01 \pm 1,8$ мин.ни ташкил этди, иккинчи босқичда эса ўртача натижа $12,53 \pm 1,4$ мин.га яхшиланди, бу 4,7% ни ташкил этди ($t=4,2$), учинчи босқичга келиб у анча ёмонлашди ва $12,81 \pm 1,7$ мин. қийматга етди (5,2%) ($t=1,3$). Тўртинчи босқичда эса янада ёмонлашди - $13,36 \pm 2,7$ мин. ($t=4$). Бунда тўртинчи босқичга келиб вариация коэффиценти кўрсаткичларининг 8,6 % дан 19,9% гача атрофида ошиши кузатилди.

Ҳаракат сифати - чаққонликни ифодаловчи 10x10 м.га моқисимон югуриш натижалари шуни кўрсатдики, ФарДУ биринчи босқич талабаларида ўртача натижа $25,18 \pm 1,8$ сек.ни ташкил қилди ва кейинчалик таълим босқичлари бўйича кўрсаткичларнинг яхшиланиб бориши кузатилди, иккинчи босқичда натижа 23,74 секундга тенг бўлди ва кейинчалик кўрсаткичлар пасайиб бориб, ўқишни тугатиш вақтида натижа 25,06 секундга тенг бўлди.

БухДУ биринчи босқич талабаларининг шунга ўхшаш кўрсаткичлари таҳлил қилинганда ушбу масофа бўйича ўртача натижа 24,13 секундга тенг бўлди, бу ФарДУ талабалари натижаларидан 1,05 ($t=4,77$) га яхшироқ. Иккинчи босқичда талабалар ўзларининг натижаларини сезиларли 0,37 секундга яшиладилар, аммо кейинчалик натижаларнинг 23,93 секундгача, тўртинчи босқичда 25,33 секундгача пасайиши кузатилди.

ТДПУ талабаларининг шундай кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики, биринчи босқич талабалари ўртача 24,71 секунд натижага эга бўлдилар, бу ФарДУ талабалари кўрсаткичларидан 0,47 секундга яхшироқ ва БухДУ биринчи босқич талабалари кўрсаткичларидан 0,58 секундга пастроқ.

Республиканинг учта олий ўқув юртида ўрганилаётган кўрсаткичнинг учинчи босқичдан бошлаб қатъий пасайиш динамикаси аниқланди. Бу ерда тадқиқот натижалари мониторинги асосида тажриба давомида олинган натижаларнинг статистик таҳлилини ўтказишда уларнинг ўзгариш динамикаси аниқ кўзга ташланади.

Турган жойдан узунликка сакраш тести кўрсаткичлари бўйича тезлик-куч тавсифларини таҳлил қилишда аниқландики, ФарДУ биринчи босқич талабалари ўртача $2,23 \pm 0,3$ м. натижа кўрсатишган бўлса, кейинчалик натижа 4 см.га яхшиланди ($t=3,2$) ва кейинчалик яхшилана бориб, биринчи босқич талабалари кўрсаткичларига нисбатан 9,8% ни ($t=2$) ташкил этди.

ТДПУ ва БухДУ биринчи босқич талабалари кўрсаткичларини таҳлил қила туриб айтиш мумкинки, уларнинг бу тестдаги натижалари ФарДУ талабалари кўрсаткичлари билан ўхшаш ва кўрсаткичларда сезиларсиз вариация мавжуд. Барча битирувчи талабаларда тўртинчи босқичга бориб тезкор-куч тавсифларининг пасайиши 26,2 % гача ошган вариация коэффициенти кўрсаткичларида аниқ кўринади.

Ётиб таяниб, қўлларни букиб-ёзиш тестида ФарДУ биринчи босқич талабалари ўртача $26,10 \pm 5,9$ марта натижага эга бўлдилар, куч имкониятлари иккинчи босқичга келиб 1,1 мартаба ортди (9,28%), бироқ учинчи босқичда бу маълумотлар $27,7 \pm 4,4$ мартага пасайди, тўртинчи босқичга келиб эса унинг $25,57 \pm 4,9$ мартагача кескин пасайиши аниқланди, фарқ 22,7% ($t=6,2$)ни ташкил этди. Худди шунга ўхшаш ишончсиз чегаралардаги вариатив ўзгаришлар ҳолати БухДУ ва ТДПУ талабаларида ҳам аниқланди.

Эътироф этиш керакки, биринчи ва иккинчи босқич талабаларида куч сифатлари кўрсаткичларининг аниқланган барқарорлашуви ва унинг учинчи босқичга келиб яхшиланиши талабаларда оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилинаётган атлетик гимнастика билан шуғулланишга бўлган қизиқиш ошганлигини кўрсатади.

Аммо тадқиқотлар кўрсатдики, учта факультетларда ҳам куч имкониятларининг учинчи босқичгача ишончсиз ўсиш тенденцияси, кейинчалик олий ўқув юртидаги ўқишнинг охирига бориб, ўрганилаётган кўрсаткичнинг пасайиши аниқланди. Бу ҳаракат имкониятларининг пасайишига йўл қўймаслик мақсадида ўқув жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур, деб ҳисоблашга асос бўлади.

Универсал ҳисобланган турникда тортилиш тестида Куролли Кучлар сафида хизматдан қайтган ва ФарДУ чақирикқача ҳарбий таълим факультетига ўқишга кирган йигитлар ўртача $12,52 \pm 2,4$ марта тортилган бўлсалар, иккинчи босқичда натижа 13,73 мартагача яхшиланди ва учинчи босқичда 13,59 мартага ошди, мос равишда 4,6% ва 6,1% ни ташкил этди. Тўртинчи босқичда талабаларнинг куч имкониятлари анча пасайганлиги кузатилди - 13,18 мартагача, бу ерда фарқ ўртача 21,9% ни ташкил этди. Бу битирувчи босқичларда ўқув жараёнида талабаларнинг куч тайёргарлигига эътиборнинг камайганлигидан далолат беради. БухДУ биринчи босқич талабалари 13,24 марта тортилдилар, натижанинг сезиларсиз 13,84 мартагача ошиши ва кейинчалик 13,04 мартагача пасайиши кузатилди. ТДПУ талабаларининг

кўрсаткичлари шунга ўхшаш аҳамиятсиз чегарада ўзгариб турди.

Граната улоқтириш - чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабалари учун асосий махсус тест вазифаси бўлиб, Қуролли Кучларнинг барча дастурий-меъёрий хужжатларида мавжуд.

Талабаларнинг ҳаракат тайёргарлигини дастлаб ўрганиш давомида олинган натижаларнинг таҳлили шуни аниқлаб бердики, ФарДУ биринчи босқич талабалари ўртача $38,54 \pm 6,5$ м. натижага эга бўлдилар, БухДУ ва ТДПУ талабалари эса мос равишда $38,48$ ва $38,84$ м натижани кўрсатдилар, кейинчалик натижа ишончсиз тарзда $1,6$ м.га ўсиб борди ($t=1,3$) ва учинчи босқичда $3,6$ м.га ошди, мос равишда $4,2\%$ ва $9,2\%$ ни ташкил этди. Тўртинчи босқичда натижанинг $38 \pm 6,1$ м.гача ($t=6,3$) ишончли пасайиши аниқланди, бу махсус факультет талабаларининг қониқарли жисмоний имкониятларига мос келди. Шуни таъкидлаш керакки, БухДУ талабалари ўз тенқурларидан бироз олдинда бўлишди ва ўртача $40,12$ м натижани кўрсатдилар.

Турникда тортилиб тўнтарилиш махсус тестини барча талабалар «қониқарли» баҳога бажардилар, бунда ўртача кўрсаткичлар $8,9$ дан $12,2$ мартагача атрофида бўлди. Бу бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ўқув жараёнига тузатишлар киритиш зарурлигини кўрсатади.

Қорин пресси кучини баҳолаш учун мўлжалланган иккита ўхшаш тестлар - брусларда бурчак бўлиб таяниш ва турникда осилиб, оёқларни кўтариш машқи бўйича I-IV босқич талабалари натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, улар қониқарли даражада ва талабаларнинг етарли даражада жисмоний тайёргарликка эришишлари учун уларнинг ҳаракат тайёргарликларини мақсадли такомиллаштириш тақозо этилади.

Диссертациянинг **“Чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабаларининг касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги дастурининг асосланиши ва амалиётга жорий қилиниши”** номли тўртинчи бобида инновацион фаолият тузилишини моделлаштирадиган мутахассиснинг касбий ўсиш жараёнида шахсий сифатлар, билим ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган материаллар берилган. Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш тизимли ва фаолиятли - ижодий ёндашув асосида ўтади. Бундай ёндашув чақирикқача ҳарбий тайёргарлик мутахассиси шахсини яхлит шакллантириш жараёнининг амалга ошишини таъминлайди. Мухими, ушбу педагогик жараён ўзига хос махсус вазифаларни изчил ҳал этиш билан босқичма-босқич амалга оширилади (1-чизма).

Ташхислаш-лойиҳалаш босқичи - бўлажак ўқитувчиларнинг чақирикқача тайёргарликни амалга оширишга; мақсад ва вазифаларни олдинга қўйишга; педагогик шарт-шароитларни лойиҳалаштиришга; тегишли методлар, воситалар ва педагогик усулларни танлаб олишга тайёрлигини ривожлантиришнинг долзарб даражасини ташхислашга йўналтирилган.

Шакллантирувчи босқич - асосий босқич бўлиб, бўлажак чақирикқача ҳарбий тайёргарлик ўқитувчиларининг тайёрлигини шакллантиришда белгилаб берувчи аҳамиятга эга.

Баҳолаш-тузатиш босқичи чақирикқача ҳарбий тайёргарликни амалга оширишга тайёр туришни шакллантиришда эришилган натижаларни таҳлил

қилишга ва мустақил таҳлил қилишга бағишланган.

Мақсад - бўлажак мутахассисларнинг таълим муассасаларида чақирикқача ҳарбий тайёргарлик машғулотларини режалаштиришга ва ташкил этишга тайёрликлари илмий - методик асосларини шакллантиришдир.



1-чизма. Чақирикқача ҳарбий таълим факультети III-IV босқич талабаларини ўқитишнинг тузилмавий-функционал модели

“Чақирикқача ҳарбий таълим” фани маъруза, семинар машғулотлари шаклида, мустақил иш жараёнида, талабаларнинг ҳар хил даражадаги (репродуктив, продуктив ва ижодий) ўқув вазибаларини ҳал этишлари йўли орқали ўзлаштирилади. Яна шуни эътироф этиш лозимки, талабалар чақирилувчиларнинг бевосита хизмат жойларида Куролли Кучлар сафидаги офицерлар (зобитлар) таркибининг амалий фаолияти билан танишадилар.

Ўқув йили жараёнидаги педагогик тажриба талабаларга давлат стандартлари дастур материалида кўзда тутилган талабларни муваффақиятли бажариш имконини берувчи касбий-амалий жисмоний тайёргарликка урғу берган ҳолда жисмоний тарбия ўқув жараёнини такомиллаштиришни назарда тутган эди.

Педагогик тажрибада ФарДУ нинг чақирикқача ҳарбий таълим факультети талабалари иштирок этдилар. Бу ерда олинган тажриба материаллари асосида уларнинг касбий-амалий ҳаракат тайёргарлигини такомиллаштиришга йўналтирилган методик тавсияларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган эди.

Талабаларнинг жисмоний тайёргарликларини баҳолаш бўйича танлаб олинган тестлар ҳарбий хизматчилар учун мўлжалланган стандартлардан олинди.

Барча олинган тажриба маълумотлари математик статистика методи ёрдамида ишлаб чиқилди ва 4-жадвалда келтирилди.

Лонгитудинал тадқиқотлар давомида олинган дастлабки кўрсаткичларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 100 м. масофани биринчи босқич тажриба гуруҳи талабалари ўртача $13,6 \pm 0,5$ сек. ичида, назорат гуруҳи талабалари $13,5 \pm 0,4$ сек. ичида босиб ўтдилар, иккинчи босқичда улар биринчи босқич талабаларига нисбатан 0,3 сек. тезроқ югуриб ўтдилар (2,2%) ($t=3$). Учинчи босқичга келиб натижа 0,8% ($t=2$) ва тўртинчи босқичда 4,3% ($t=4$) гача ишончли тарзда пасайиб борди.

